БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 1 (492)
1 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, ўртоқлар!

Буюк тарихий ғалабалар йили

Совет халқи янги йил тонгида 1955 йилда босиб ўтган шонли йўлга зўр ифтихор блан назар ташлайди. Ўтган йил халқимиз Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида коммунизм сари буюк йўлда янгидан-янги тарихий ғалабаларга эришган йил бўлди.

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган тўртинчи сессияси қарорлари бутун халқимиз томонидан зўр қувонч ва фахр блан кутиб олинди. Олий Совет қабул қилган бюджет экономикамизнинг тинч экономика эканлигини тўла акс этдирди ва совет халқининг бутун куч-ғайрати тинч қурилиш соҳасидаги, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини оғишмай юксалтириш соҳасидаги буюк вазифаларни ҳал қилишга қаратилганлигини яна бир марта исбот этди.

Коммунистик партия ва халқнинг мустаҳкам бирлиги барча муваффақиятларимизнинг гаровидир. Коммунистик партия, халққа чексиз ишонган, жонли халқ ижодиёти булоғидан сув ичган кишигина голиб бўлиб чиқади, деган ленинча доно кўрсатмаларга оғишмай амал қилмоқда. Партия халқ оммаси сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини тўлиқроқ юксалтирмоқда, унинг ижодий кучларини буюк мақсадга — коммунизм қурилишига қаратмоқда.

Коммунизм совет халқи учун қандайдир узоқ бир истиқбол бўлмай, балки ҳозирги кунинг жонли иши, миллионларча совет кишиларининг ижодий куч-ғайрати ва ташаббусидир. Коммунизм бутун совет халқи қилаётган буюк фидокорона меҳнатдан, унинг саноатни, биринчи галда оғир индустрияни янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришга, жамиятимиз моддий фаровонлиги ва маданий даражасини тинмай оширишга қаратилган куч-ғайратидан вужудга келмоқда.

Совет халқи партиямиз XIX с'езди директиваларини ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошириб, социалистик экономикани, айниқса экономикамиз асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни ривожлантириш соҳасида катта ютуқларга эришди. Ўтган йил социалистик саноатимиз ишлабчиқариши эришган даража 1950 йилдагига нисбатан 184 процентни ташкил этди. Машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг ялпи маҳсулоти 1950 йилдагига нисбатан 2 баравардан зиёд кўп бўлди. Бутун совет халқи блан биргаликда республикамиз ва шу жумлалан областимиз меҳнаткашлари ҳам ўтган йилки саноат соҳасида янгидан-янги ютуқлар блан якунладилар. Республикамиз саноати 1955 йил планини муваффақиятли равишда якунлади. Областимиздаги Бекобед, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, Тошкент шаҳри саноати эса маҳсулотнинг асосий турлари бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

Колхозчи деҳқонларимиз социалистик қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш юзасидан партия белгилаб берган вазифаларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимизда экин майдони 1950 йилдагига нисбатан 27 процент кўпайди, шу жумладан 30 миллион гектардан кўпроқ қўриқ ер ўзлаштирилди; бутун мамлакатда ҳосил 1954 йилдагидан анча юқори бўлди.

Бутун мамлакатимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари каби областимиз колхозчилари, совхоз ва МТС ходимлари ҳам ўтган қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар: давлатга пахта топшириш плани, шунингдек луб экинлари, сабзавот, картошка, узум, полиз экинлари ҳосили топшириш планлари ошириб бажарилди, давлатга гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар топшириш анча кўпайтирилди.

1955 йил тарихга халқаро кескинликни юмшатишга, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга олиб келган воқиалар блан нишонланган йил бўлиб киради. 1955 йилда тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгаши, Бандунг конференцияси бўлиб ўтди, бу йилда Совет Иттифоқи халқаро майдонда янги муҳим қадамлар қўйдики, бу қадамлар бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин ўртоқларнинг Осиё мамлакатларига қилган сафари ана шу энг ёрқин, энг буюк воқиаларнинг бири бўлди. Бу сафар халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликдан иборат тинчликсевар сиёсатнинг тантанаси бўлиб қолди.

1955 йил социализм лагеридаги барча мамлакатларнинг иқтисодий қудрати ва сиёсий мовқи' янада ўсган йил бўлди. Бу мамлакатлар ўз халқ хўжалигини муваффақиятли равишда тараққий этдирмоқдалар, ўз индустриясини ҳали биронта ҳам капиталистик мамлакатда кўрилмаган юксак ривожлантирмоқдалар.

Социалистик лагерь мамлакатлари халқ хўжалиги тараққиётининг якунлари социалистик системанинг капиталистик системага қараганда жуда катта афзалликлари борлигини, бу икки система ўртасидаги иқтисодий мусобақада социализм муқаррар ғалаба қозонишини кўрсатучи ёрқин далиллардир.

Совет социалистик хўжалиги планли равишда, тўхтовсиз сур'атда, кризисларсиз, ишсизлик бўлмагани ҳолда ривожланиб борган бир пайтда, капиталистик система 38 йиллик давр ичида учта жаҳон кризисини бошидан кечирди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ экономикасида 1948—1949 йилларда ва 1953—1954 йилларда бўлиб ўтган кризис ҳодисалари ўсиб жаҳон кризисларига айланмаган бўлса ҳам, лекин, ма'лум мувозанат жиддий равишда тикланди, деб айтиш учун ҳозир ҳам асос йўқ.

Тинчлик учун ва турли социал-сиёсий системаларнинг тотув яшаши ва иқтисодий соҳада мусобақа қилиши учун курашдан иборат ўз сиёсатига содиқ бўлиб қолаётган Совет Иттифоқи барча халқ демократияси давлатлари блан биргаликда 1955 йил ичида ҳам ана шу йўлдан оғишмай олга борди.

Совет халқи КПСС XX с'ездини ўз социалистик давлатини янада мустаҳкамлаш ишида ҳам, мамлакатимизнинг халқаро аҳволини мустаҳкамлашда ҳам катта муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олмоқда. Лекин бу нарса эришилган муваффақиятлар блан хотиржам бўлиш учун бизга ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди.

«Бизнинг вазифамиз шуки,— дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев,— халқ хўжалигимизни ва айниқса унинг асоси бўлган оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантиришимиз, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини яна ҳам юксалтиришни та'минлашимиз, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини, социалистик жамиятимиздаги барча меҳнаткашларнинг ма'навий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашимиз лозим».

Халқ оммасининг ижодкорлиги, унинг тўхтовсиз ўсиб бораётган сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати янги, 1956 йилда ҳам социалистик Ватанимиз куч-қудрати янада мустаҳкамланишининг ва гуллаб-яшнашининг гаровидир.

Шонли Коммунистик партия раҳбарлиги остида, янги йилда янги ғалабалар сари, олға!

К. Е. ВОРОШИЛОВ БИРМА ИТТИФОҚИНИНГ СССРДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МОНГ ОН ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1955 йил 30 декабрьда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтар Элчиси Монг Он жаноблари қабул қилди. Монг Он жаноблари К. Е. Ворошиловга Бирма Иттифоқи Президенти доктор Ба Унинг шахсий мактубини топширди.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов хозир бўлди. (ТАСС).

КУЙБИШЕВ ГЭСИ САНОАТГА ТОК БЕРДИ

Куйбишев ГЭСининг биринчи гидроагрегати 1955 йил 29 декабрьда соат 17 дан 18 минут ўтганда Куйбишев энергосистемаси тармоғига қўшилди ва саноатга ток берди.

Қурувчилар электростанциянинг гидротехника иншоотларини қуриш ва навбатдаги гидротурбиналарни монтаж қилиш ишларини давом этдирмоқдалар. (ТАСС).

Химия саноати корхоналарининг ходимлари йиллик планни бажардилар

Химия саноати корхоналарининг ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1955 йилда белгиланган планни муддатидан илгари — 18 декабрьда ва химия маҳсулоти ҳамда буюмларининг энг муҳим турларидан кўпини ишлаб чиқариш планини 29 декабрьда бажардилар.

Озиқ-овқат товарлари саноати ходимлари йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Озиқ-овқат саноати товарлари министрлигига қарашли корхоналарнинг ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1955 йилга белгиланган планни ва кўпгина муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шу жумладан ўсимлик ёғи, озиқ-овқат концентратлари, кондитер моллари, нон-булка ва макарон, чой, папирос ва совун ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг Янги йил муносабати блан сўзлаган нутқи

Қадрли ўртоқлар! Улуғ социалистик Ватанимизнинг азиз гражданлари!

Сизларни бошланаётган янги йил блан чин кўнгилдан табриклайман!

Ўтган 1955 йил жуда катта воқиаларга бой йил бўлди. Бу ўтган йил тинчликни мустаҳкамлаш йўлида актив ва муваффақиятли кураш йили бўлди. Совет халқи шу йил ичида меҳнат соҳасида катта ғалабаларга эришди — бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари ва муваффақиятли суратда бажарди.

Совет кишилари ўтган йили босиб ўтилган йўлга назар солиб, ифтихор блан айтоладилар: Биз зўр ғайрат блан ва яхши ишладик ҳамда бизнинг тинч меҳнатимиз жуда яхши самаралар берди. Ватанимизнинг бепоён ерларида жуда кўп фабрика ва заводлар, кучли гидростанциялар, янги МТС ва совхозлар вужудга келтирилди, янги уй-жойлар, мактаблар ва даволаш муассасалари, маданият уйлари ва клублар барпо қилинди, Қўриқ ерларнинг янги массивлари очилди ва ўзлаштирилди. Бизнинг бутун халқ хўжалигимиз олга қараб катта қадам қўйди.

Коммунистик партия жиплаштирган ва раҳбарлик қилаётган улуғ совет халқи ўзининг ижодий меҳнати блан Ватанимизни йил сайин тобора қудратли ва гўзал қилмоқда.

Биз янги, 1956 йилга қадам қўяётган бир пайтда, эришилган муваффақиятлар тўғрисидагина эмас, балки ҳали ҳал этилмаган вазифалар тўғрисида, мавжуд камчиликларни йўқотиш учун кураш ҳақида, коммунистик қурилишни янада ривожлантириш тўғрисида ҳам ўйлаймиз. Бизнинг шонли Коммунистик партиямиз оғир индустрияни янада муваффақиятли ривожлантириш, социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, социалистик жамиятимизнинг барча меҳнаткашларининг ва ҳамма ватанпарвар кишиларнинг ижодий меҳнати блан ишлаб чиқарилган товарларни ишлаб чиқаришни ва ҳамма ишлаб чиқарилган товарларнинг сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ер-сув ва бошқа табиий ресурсларнинг ҳаммасидан ҳамма ишлаб чиқаришларда ва ҳамма ишлаб чиқарилган товарларнинг сифат

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи*)

Аммо Эронга қарашли бўлган бойлик оқиб кетаяпти-ку. Бу бойлик Эрондан Англия, Америка, Голландия ва Франция банкларининг подвалларига олтин бўлиб оқмоқда. Эрон халқлари ғоят муҳтож бўлиб турган бир пайтда шундай қилинмоқда. Улар Эронга «ёрдам» кўрсатиш блан Эрон нефтини арзимас пул бериб тортиб олмоқдалар ва шу тарақа Эрон халқининг очлиги ва қашшоқлигидан фойдаланиб, бойимоқдалар.

Биз Осиё халқларига: Америка ва Англия монополиячилари берадиган ёрдамни олманг, демаймиз. Лекин биз уларни, бундай «ёрдам»ни олишда эҳтиёт бўлингиз, чунки монополиячилар ҳеч бир нарсани текинга бермайдилар, деб виждонан огоҳлантирамиз.

Капиталистлар ҳеч бир нарсани текинга бермайдилар. Фойда бермаган капитал капитал бўлолмайди.

Депутат ўртоқлар!

Ҳиндистонда бўлиш натижасида, Ҳиндистон ҳукуматининг раҳбарлари блан, Ҳиндистон штатларининг раҳбарлари блан, Ҳиндистоннинг ишчилари, деҳқонлари, интеллигенцияси блан учрашишлар натижасида, хулласи биз блан учрашган ҳамма кишилар тўғрисида бизда энг яхши таассуротлар қолди деб гапириб ўтдим.

Ҳиндистон блан, унинг улуғ ва меҳнатсевар халқи блан бўлган дўстлигимизни, Неру жаноблари блан ва Ҳиндистоннинг бошқа отоқли арбоблари блан бўлган дўстлигимизни жуда қадрлаймиз, биз улар блан алоқалар боғладик, биз улар блан дўстона муносабатларни давом этдириш ва ривожлантириш ниятидамиз.

Биз ҳам, ҳиндистонли дўстларимиз ҳам бу дўстона муносабатларни Ҳиндистоннинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам бошқа давлатлар блан дўстона муносабатларига зарар етказмай ривожлантиришни ва мустаҳкамлашни истар эдик.

Биз дўстлигимизни шу тахлитда тушунамизки, бу дўстлик бир, икки ёки бирнеча давлат блан бўладиган дўстона алоқалар блан чекланиб қолмаслиги лозим. Биз ҳамма давлатлар блан дўст бўлишни хоҳлаймиз.

Шу сабабли биз дўстларимизнинг учинчи давлатлар блан, шу жумладан ба'зи бир сабабларга кўра, биз блан, эҳтимолки, бирмунча зўрма-зўраки, совуқ муносабатларда бўлаётган давлатлар блан ҳам дўстона муносабатларни ривожлантираётганликларини кўриб қувонамиз. Биз ўз дўстимиз деб билган Ҳиндистон орқали ўша давлатлар блан ўз муносабатларимизни яхшилаб олиш умидидамиз.

Биз ҳамиша ҳамма мамлакатлар блан, шу жумладан, капиталистик мамлакатлар блан ҳам дўст бўлишга астойдил интилиб келдик ва интиламиз. Жумладан, биз энг кучли капиталистик мамлакатлар блан—Америка Қўшма Штатлари блан, Англия ва Франция блан ҳам дўст бўлиб яшашни истар эдик.

Агар биз бунга эришганимизда эди,—бу эса асосан бизга эмас, балки АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларига ва халқларига боғлиқдир,—бу нарса икки системанинг ҳақиқатан тинч тотув бўлиб яшаши ва мусобақа қилиши учун шароит тўғдирган бўлур эди.

Афсуски, ҳозирча биз бунга эришгунимизча йўқ, лекин биз ўз умидимиздан қайтмаймиз ва бу йўлда ўз ишимизни давом этдириб, бунинг учун куч ва ғайратимизни аямаймиз. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон раҳбарлари, Ҳиндистоннинг бир блан бошқа давлатлар ўртасида бетараф бўлиб қолишини э'лон қилдилар, биз уларнинг позициясини тўла равишда тушунамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ҳиндистон ҳақиқатан бетараф давлатдир ва бизнинг ҳам, шунингдек бошқа давлатларнинг ҳам ишончига ва ҳурматига сазовордир.

Улуғ Хитой Халқ Республикаси блан бизнинг муносабатларимиз жуда яқин қардошлик муносабатларидан иборатдир. Мамлакатларимизнинг халқлари бир-бирларига биродордирлар.

Ҳиндистон республикаси блан ҳам яхши дўстона муносабатлар вужудга келди ва мустаҳкамланмоқда. Биз Ҳиндистонда бўлганимизда ҳамма жойда халқнинг чин кўнгилдан чиқариб айтган сўзларини: «ҳинди, руси — бхай, бхай!» — «ҳиндулар блан руслар — бир-бирларига биродардирлар!» деган сўзларини эшитдик. **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси эса бутун инсониятнинг армисини ташкил қилади ва улар бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашда қудратли кучдирлар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Депутат ўртоқлар!

Чет элларди ба'зи арбоблар, шунингдек энг пасткаш бурржуа журналистлари бизни Ҳиндистонга, Бирмага ва Афганистонга қилган сафаримизнинг натижаларини муҳокама қилиб, шу мамлакатларда сўзлаган нутқларимизни анализ қилиб, Совет Иттифоқи «Женева руҳидан воз кечаётир» деб бизни айбламоқдалар. Бу — нотўғри.

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевада бўлган учрашувлари натижасида халқаро кескинликни юмшатишга қўшилган муҳим ҳиссанинг биз актив қатнашчиларимиз.

Биз кескинликни мана шундай юмшатиш учун Ҳукуматлар Бошлиқлари Кенгашида ҳам ва Европада хавфсизликни та'минлаш ва шу блан боғланган Германия проблемаси, қуролсизланиш масаласи, шунингдек Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш сингари жуда муҳим масалаларни кўриб чиқиш вазифаси топширилган Ташқи Ишлар Министрларининг Кенгашида ҳам курашиб келдик.

Халқаро муносабатлардаги кескинликни янада юмшатмоқ учун ва тинчликни мустаҳкамламоқ учун курашаётган тинчликсевар халқлар эришишни орзу қилган натижалар ҳозирча қўлга киритилмаган экан, бунга биз айбли эмас.

Жаҳон халқларининг ҳаммаси тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг ва Ташқи Ишлар Министрларининг Женева кенгашини, айниқса Ҳукуматлар Бошлиқларининг кенгашини қизғин равишда табриклаган эдилар. Халқларнинг халқаро кескинликни юмшатишга ва тинчлик ишини мустаҳкамлашга эришиш йўлидаги истаги шу кенгашларда қатнашганлар зиммасига ўз нутқлари ва таклифларини шу иставларга монанд қилиб тузиш мажбуриятини юклаган эди.

Афсуски, Ғарб давлатларининг вакиллари Ҳукуматлар Бошлиқларининг Кенгашида халқаро кескинликни юмшатиш керак деган чучмал сўзларни айтишдан нарига бормадилар, буни э'тироф қилишга тўғри келади. Айниқса уларнинг ташқи ишлар министрлари шундай қилдилар, Ҳукуматлар Бошлиқларининг Кенгаши томонидан ўз олдиларига қўйилган мақсадларга эришмоқ учун чинакам енг шимариб ишлашни ва куч-ғайрат сарфлашни истамадилар.

Бу нарса шуни кўрсатадики, Ғарб давлатларининг ҳукуматлари тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Кенгашига ўзларининг юқори мартабали вакилларини юбордилару, лекин Кенгаш кун тартибида турган масалаларни конкрет ҳал қилишни истамадилар. Улар ўзларига таз'йиқ ўтказиб турган жамоатчилик фикрига ён берганликлари учун бу Кенгашга келдилар.

Тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Кенгаши чақирилганлигининг ўзи, шу Кенгашда айтилган гаплар, Ҳукуматлар Бошлиқларининг ўз ташқи ишлар министрлари учун чизиб берган иш программаси, мана шуларнинг ҳаммаси халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бериб, ҳарбий конфликтларнинг олдини олиш ва «совуқ муносабатлар урушини» тугатиш йўлида тагин ҳам конкретроқ тадбирлар кўрилади деган умидни тутгиди. «Женева руҳи» шу тарақа майдонга чиқди.

Халқлар буни табрикладилар, чунки улар осойишталикни хоҳладилар, солиқларнинг камайишини, қуролланишга бўлаётган харажатларнинг камайишини, бунинг учун сарфланаётган жуда катта маблағлар аҳолининг турмуш даражасини оширишга сарфланишини хоҳлайдилар. Халқларнинг конкрет истаги мана шудир.

Лекин атом ва водород бомбаларни ва бошқа қурол-яроғларни ишлаб чиқараётган капиталистлар халқ ёқтирган, халқ орзу қилаётган нарсани ёқтирмаётирлар. Монополиячилар қурол-яроғларни камайтириш ва айниқса қуролсизланиш перспективасини ўзлари олаётган фойдаларининг камайиб кетиш перспективаси деб тушунадилар, бунга улар рози бўлишни сра истамаётирлар.

Шунинг учун ҳам қирғин воситалари ишлаб чиқараётган монополиячилар ва капиталистик давлатларнинг раҳбарлик вазифаларида туриб, уларнинг иродасини бажо келтираётган кишилар тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгашидан кейин «Женева руҳини» чуқурлаштиришга ва кенгайтиришга уринмаслик уёқда турсин, балки аксинча, дарҳол бу «Женева руҳини» мурғаклигидаёқ ўлдиришга ҳаракат қилдилар.

Совет Иттифоқига келганда, унинг вакиллари Ҳукуматлар Бошлиқларининг Кенгаши вақтида ҳам ва тўрт давлат Ташқи Ишлар Министрларининг Кенгашида ҳам ижобий натижага эришмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чорани кўрдилар.

Афсуски, бошқалар ҳам бизнинг шу ҳаракатимизга яраша ҳаракат қилмади, шунинг учун ҳам бутун инсоният шу қадар манфаатдор бўлган масалалар ҳал бўлмай қолди.

Бу масалаларнинг ниҳоят ижобий равишда ҳал қилинишига ҳаракат қилиб, бунинг учун куч ва ғайратимизни аямаймиз. Лекин бунинг учун фақат бизнинг куч ва ғайратимизгина кифоя қилмайди. Бу ишда бизнинг шерикларимиз ҳам куч ва ғайрат сарфламоқлари керак.

Ниҳоят, хавфсизликни та'минлаш учун, қуролсизланиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, «совуқ муносабатлар» урушини тўхтатиш учун курашаётган жамоатчиликнинг кучи, миллион-миллион кишиларнинг кучи жуда катта роль ўйнаши лозим.

Европа хавфсизлигини та'минлаш масаласи ҳозирги кунинг энг ўткир масаласидир. Бошқа халқаро проблемаларнинг ҳам бартараф қилиниши шу масаланинг ҳал қилинишига боғлиқдир. Бироқ, сизларга ма'лумки, бизнинг кенгашдошларимиз — АҚШ, Англия ва Франция—Германия проблемасини бу масалага қарама-қарши қилиб қўймоқдалар.

Уларнинг позицияси Германия демократик республикаси меҳнаткашларининг социал ғалабаларини тугатиб, Германия Демократик Республикасини Ғарбий Германияга қўшиб олишдан, мана шу тарақа бирлаштирилган ва, яна бунинг устига, НАТО-га қўшиб олинган Германия давлатини тинч-тириқигача қуроллантиришдан иборатдир. Улар шундай шарт блан «Европа хавфсизлиги» тўғрисидаги шартномани имзолашдан қайтмайдилар, ваҳоланки ҳақиқатда бу нарса Европада хавфсизликни та'минлашга олиб келмаслик уёқда турсин, балки аксинча, Европада янги урушни бошлаб юбориш, я'ни халқларнинг бошига ғоят оғир кулфатлар келтирадиган урушни бошлаб юбориш хавфини анча кўпайтириб юборган бўлур эди.

Бу позициянинг ҳимоячилари бундай ҳарбий комбинацияни фақат бир мақсад блан, я'ни НАТО составидаги мамлакатлар лагерини кучайтириш ва бу лагерьнинг қўлини баланд қилиб, СССРни ҳамда халқ демократияси мамлакатларини таслим бўлишга ва ўз шартларини қабул этишга мажбур этадиган қилиш мақсади блан ўйлаб чиқарилганлигини яширмаётирлар.

Чунки «хавфсизлик» эмас-а!

Ҳарбир ақли расо киши бундай планларнинг рўёбга чиқарилиши мумкин эмаслигини тушунади. Ҳақиқатан ҳам Европа хавфсизлигини та'минлаш проблемасини ҳал қилиш истаги бўлса, бу проблемани реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда жиддият блан ҳал этишга ҳаракат қилмоқ керак.

Бу реал вазият аввало шундан иборатки, Германия территориясида ҳозирги вақтда сиёсий ва социал системалари турлича бўлган иккита давлат вужудга келган, аммо бу давлатларнинг бири — Германия Демократик Республикаси — тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш учун кураш йўлидан бормоқда, иккинчи давлатнинг — Германия Федерал Республикасининг раҳбарлари эса «зўравонлик позициясига таянучи» сиёсатга содиқ бўлиб қолмоқдалар, шу блан бирга Германия Федерал Республикасининг ўзи агрессив НАТО блокига қўшилгандир.

Бу нимани кўрсатади? Бу шуни кўрсатадики, ҳозирги шароитда бир-биридан шу қадар фарқли бўлган мана шу икки немис давлатини қайта бирлаштирмоқ учун реал имконият йўқ. Лекин бундан, ҳозирги вақтда Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш ва бу блан бутун дун'ёда тинчликни та'минлашга ёрдамлашиш имконияти йўқ деган ма'но чиқадими? Йўқ, бундай ма'но чиқмайди.

Европада хавфсизликнинг та'миланишига, тинчликни мустаҳкамламоқ учун шароит вужудга келтиришдан Англия ва СССР, Франция ва Польша, Чехословакия ва Бельгия,—Европадаги ҳамма давлатлар, шунингдек АҚШ ҳам манфаатдордир.

Агар ҳақиқатан шунга асосланиб иш кўриладиган бўлса ва ҳозирги вақтда бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган давлатлар гуруҳига а'зо бўлган ҳар иккала герман давлати мана шу икки гуруҳнинг ўрнини босиши мумкин бўлган умумевропа хавфсизлик системасида муваффақиятли равишда қатнашолиши мумкинлиги назарга олинса, у ҳолда масала халқларнинг манфаати талаб қилаётган тарзда ҳал қилиниши мумкин.

Биз масаланинг бошқача ҳал қилиниши мумкинлигини билмаймиз. Ҳеч ким бизни Совет Иттифоқига ва бошқа тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган ҳарбий блокни ўз қўлимиз блан кучайтиришга мажбур қилолмайди. **(Қарсаклар).**

Аммо, бирлаштирилган Германияни агрессив антисовет блокка қатнашишга олиб келадиган тарзда Германияни бирлаштиришга розилик беришни бизга таклиф қилаётганлар худди ана шу мақсадга эришмоқчи бўладилар.

Бизнинг истагимиз шуки, бу масалада бизни биринчи навбатда немислар, айниқса Ғарбий Германиядаги немислар тўғри тушунсинлар деймиз. СССР, Германия ва Европадаги халқ демократияси мамлакатларининг халқлари икки марта жуда кўп қон тўкилган жаҳон уруши гирдобига ташландилар, бу урушларда бизнинг мамлакатимиз блан Германиянинг халқлари энг кўп қурбон бердилар. Энди буни ўйлаб кўриш ва келгусида бу хилдаги воқиаларнинг такрорланишига йўл қўймайдиган қилиб масалани тўғри ҳал этиш йўлини топиш пайти келди.

Бизнинг Ғарбий Германия блан муносабатларимизга келганда шуни айтиш керакки, мамлакатларимиз ўртасида яхши дўстона муносабатлар ўрнатиш Совет Иттифоқининг манфаатлари учун ҳам, Германия Федерал Республикасининг манфаатлари учун ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди деб неча марталаб айтдик. Мана шундай муносабатлар ўрнатмоқ учун бутун шарт-шароит бор.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, умумевропа хавфсизлигини та'миналш йўлида ва Германия масаласини шунга яраша ҳал этиш йўлида бизнинг сарф қилаётган куч ва ғайратимиз Англия ва Франциянинг манфаатларига заррача зид бўлиб тушмайди. Аксинча, башарти АҚШдаги урушқоқ арбобларнинг бирлаштирилган Германияни агрессив блокка қўшиб олиш тўғрисидаги мутлақо реал бўлмаган хаёли амалга ошганда эди, у ҳолда французлар ва инглизлар турмуши осойишта бўлиб қолади деб фараз қилиш мақол бўлур эди. Бундай ҳолда герман реваншистлари ўз истаганларини бемалол қилиш имкониятига эга бўлиб қолур эдилар. Улар ўзларича ҳаракат қила берар эдилар, ва, албатта, Франция уларнинг ғазинининг сувини келтирадиган ёғлиқ луқма бўлиб қолур эди.

Биз шундай бўлишини истамаймиз, шунинг учун ҳам бу ҳақда гапираётирмиз. Биз бундай бўлишга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрамиз. Лекин тарих тажрибаси бизга шуни ўргатадики, айниқса Франция Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қараганда заифроқ бўлгани, ҳатто ки, Англиянинг ўзи ҳам заифроқ бўлгани учун шундай хавф бор.

Шу сабабли бизнинг астойдил истагимиз шуки, Францияда ҳам, Англияда ҳам бизни тўғри тушунсинлар деймиз. Бир-биримизга қарши курашиш тайёргарлигига, куч ва ғайрат сарфлаш ўрнига ўз ишларимизни бир-биримиз блан боғлаб олиб борсак, Европа хавфсизлиги масаласини тўғри ҳал қилиш йўлини топсак яхшироқ бўлмасмикин? **(Давомли қарсаклар).**

Шу муносабат блан мен шуни эслатиб ўтмоқчиманки, Франция бош министри Фор жаноблари ва Англия бош министри Иден жаноблари томонидан Женевада қилинган таклифлар Европада хавфсизликни та'минлаш йўлида музокаралар олиб бормоқ учун асос бўлади.

Бу масала устида бамаслаҳат бир фикрга келиш бошқа муҳим проблемаларни ҳал қилишни ҳам, шу жумладан қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишни ҳам осонлаштирган бўлур эди.

Шу нарса ҳаммага яхши ма'лумки, Женева кенгашларида ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам Совет Иттифоқи қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида, атом ва водород қуролларини тақиқлаш тўғрисида ҳамда халқаро контроль ўрнатиш тўғрисида бирқанча конкрет таклифларни тақдим қилди. АҚШ ўз позициясини ўзгартирганлиги бу масалалар устида битимга келишга халақит берди. Чунки биз АҚШнинг таклифларини музокараларга асос қилиб олишга розилик берган вақтимизда у ўзининг илгариги таклифларидан тўсатдан воз кечди.

Ҳозирги вақтда АҚШ ҳақиқатда қурол-яроғларни камайтириш масаласини бир чеккага ағдариб қўйиб, президент Эйзенхауэр томонидан Женевада тақдим этилган фақат бир таклифни, у ҳам бўлса ҳарбий информацияларни айирбошлаш тўғрисидаги ва ҳеч бир мони'лик қилмасдан аэрофотос'емкалар ўтказиш тўғрисидаги таклифни биринчи ўринга қўймоқда.

Аэрофотос'емкалар ўтказиш тўғрисидаги таклиф масаланинг моҳиятини ҳал қилмаслигини кўрсатиб ўтган эдик. Ҳақиқатда қурол-яроғларни камайтириш кўзда тутилмасдан, балки ҳатто қурол-яроғларни кўпайтириш кўзда тутилаётган бир шароитда территориялар устида учиб юриб, аэрофотос'емкалар қилиш фақат уруш қилиш ҳавасини ва ҳарбий васвасани авж олдириб юборишгагина ёрдам бериши мумкин. Буни эса контроль деб бўлмайди, ҳатто буни контрольга ҳам ўхшайди деб бўлмайди. Ҳақиқатда бу иккинчи томоннинг кучини яхшироқ билиб олиш мақсадида қўлланадиган воситадир.

Бошқа мамлакат тўғрисида шундай йўл блан тўпланган ма'лумотлардан шу мамлакатга тўсатдан ҳужум қилиш мақсадида энг қулай пайтни топиб, шундай ҳужум қилиш учун фойдаланилиши мумкинлиги равшан эмасми, ахир. Бу нарса ҳарбий разведка деб аталган нарсадан нима блан фарқ қилади?— деган савол туғилади. Ҳақиқатда бунинг ҳеч қандай фарқи йўқ.

Қуролсизланиш проблемасини ҳал қилмоқ учун реал йўл топиш, қурол-яроғларнинг даражаси тўғрисида, атом ва водород қуролини тақиқлаш, темир йўл узелларида, денгиз базаларида, аэродромларда ва бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатга тўсатдан ҳужум қилишининг олдини олишга имкон берадиган шу сингари жойларда халқаро контроль ўрнатишнинг ақлга мувофиқ бўлган ва ҳозирги шароитда мумкин бўладиган системасини белгилаш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш — мақбул бўладиган бир ишдир. Бундай тадбирларни бемалол амалга оширса бўлади ва барча халқлар бу тадбирларни табриклаган бўлур эдилар.

Қуролсизланишга қарши бўлиб чиқаётган ба'зи кишилар, куч жиҳатидан ўзларида қандайдир устунлик бор, шу сабабли қуролсизланиш гўё ўзларига манфаат етказмайди деб фараз қилиб, мана шундай нотўғри фикрга асосланмоқдалар. Мана шу маш'ум «зўравонлик позициясига таяниш» сиёсатининг тарафдори бўлганларни огоҳлантириб келдик ва огоҳлантириб айтмоқдамизки, сизлар ўзларингизнинг мана шундай лўттибозлигингиз блан жуда панд еб қоласиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Биз ҳечкимни қўрқитмоқчи эмасмиз, айниқса ўзимизда бор бўлган ҳарбий техника муваффақиятлари блан мақтанмоқчи эмасмиз. Лекин зўр бериб қуролланишнинг энг ашаддий тарафдорларини ўз шахтларидан қайтармоқ учун биз уларга энг янги совет водород бомбасини яқинда синовдан ўтказиш вақтида олинган натижаларни эслатиб ўтишимиз лозим.

Бу қуролнинг қуввати одатдаги портловчи моддаларнинг жуда кўп миллион тоннаси қувватига баравардир ва унинг қуввати яна анча кучайтирилиши мумкинки, бу тўғрида ўз вақтида хабар қилиб ўтилган эди. Биз ҳали ҳам атом, водород қуролларининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни, синовдан ўтказишни ва қўлланишни тақиқлашни талаб қилмоқдамиз. Лекин бунга қаршилик қилаётганлар мазкур синовларнинг натижаларини унутмасалар яхши бўлур эди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш тўғрисида Женевада муҳокама қилинган масала ҳам катта аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи бу алоқаларни ривожлантиришга амалда ёрдам бермоқда. Биз халқаро кескинликни юмшатиш ва четэлларди турли арбоблар блан амалий алоқалар ўрнатиш ниятида, масалан, Совет Иттифоқига келиб, ундаги турмушни ўрганишни хоҳлаган ажнабийларга рухсатнома беришдан бош тортмадик ва бош тортмаётирмиз.

Бу йил бизнинг мамлакатимизга Америка сенаторларидан ва конгрессменларидан кўплари келиб кетишди, биз уларни мамнуният блан қабул қилдик ва улар блан суҳбатлашдик.

Америкадаги реакцион газеталарда ишлаётган ва советларга қарши жуда бема'ни мақолаларни ёзишга печан бўлиб қолган кўпгина мухбирлар Совет Иттифоқида бемалол саёҳат қилдилар. Биз буни билар эдик, шундай бўлса ҳам гарчи бундай журналистларнинг бундан буён ҳам «совуқ муносабатлар урушп» руҳида мақолалар ёзмоқ учун Совет Иттифоқига келаётганликларидан хабардор бўлганимиз ҳолда, уларга мамлакатимизга келишга ижозат бердик.

Аммо АҚШ ҳукумат ма'мурлари ҳозирча фақат бирнеча кишидан иборат бўлган қишлоқ хўжалик делегациясига, бинокорлар делегациясига ҳамда совет журналистларининг бир группасигагина Америкага боришга рухсат бердилар, холос. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, улар ижозат олмоқ учун тўққиз ой кутишга мажбур бўлдилар. Улардан ба'зилари шу вақт ичида фарзанд кўришга ҳам улгурдилар. **(Залда нулги. Қарсаклар).**

Биз совет кишиларининг АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги жуда хилма-хил доиралар блан алоқаларини кучайтиришни хоҳлаймиз. Биз Женевада ба'зи бир кимсалар таклиф қилганидек бошқа мамлакатларнинг Совет Иттифоқининг ички ишларига аралашувини истамаймиз, балки ўзаро дўстликни мустаҳкамлашни истаймиз. Аммо бошқа мамлакатларнинг Совет Иттифоқи ички ишларига аралашувига асло йўл қўймаймиз.

Ҳонаси келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Ғарбдаги ба'зи давлат арбоблари «Женева руҳини» ғалати бир тарзда тушунганликларини кейинги вақтларда кўрсатабошладилар. Улар, Совет Иттифоқи ўз армиясини биртомонлама қуролсизлантиришини истайдилар. Уларнинг фикрича, бизо ма'навий, руҳий, идеологик жиҳатдан ҳам қуролсизланишимиз лозим эмиш.

Бунақа гаплар ҳозиргина айтилаётган гаплар эмас, Совет Иттифоқига бу хилдаги шартларни қабул қилдиришга урингапларга турмуш неча қайталаб қаттиқ танбиҳ берган бўлса ҳам, аммо улар йил сайин шундай гапларни такрорламоқдалар.

Лекин мен бир нарсани айтсам, ҳонтаҳлай сирни очиб қўйган бўламан. Менинг айтмоқчи бўлган нарсам шуки, Совет Иттифоқига ниебатан асло реал бўлмаган бундай сиёсат айниқса Америка Қўшма Штатларида кўпроқ тарғиб қилинмоқда, АҚШнинг ҳозирги давлат секретари Даллес жаноблари эса бу сиёсатнинг ўзига хос назариячиси бўлишдек хунук рольни ўз зиммасига олган.

Ана шу Даллеснинг ўзи «улоқтириб ташлаш», «кенг миқ'ёсда жавоб зарбаси бериш» ва шу сингари бема'ни нарсалардан иборат маш'ум идеяларни узоқ вақтдан бери актив равишда пропаганда қилиб келмоқда.

Америка Қўшма Штатларидаги муайян доиралар реаллик блан ҳисоблашишни истамаётган бўлсалар керак, улар тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашидан кейин вужудга келган ҳозирги шароитда ҳам «зўравонлик позициясига» таянишдан иборат бўлган ва аллақачон шармандаси чиққан сиёсат тили блан гаплашмоқчи бўладилар. «Совет Иттифоқига таз'йиқ ўтказишни давом этдирмоқ», «қизилларни чекинишга мажбур қилмоқ» деган гапларнинг ҳаммаси мана шундан келиб чиқмоқда.

Шу муносабат блан ҳозирги вақтда АҚШдаги ба'зи отоқли арбобларнинг, шу жумладан президент Эйзенхауэрнинг тутган позицияси тўғрисида алоҳида гапириб ўтишга тўғри келади. Ма'лумки президент Эйзенхауэр халқаро кескинликни юмшатиш зарурлиги тўғрисида Женевада бир талай гапларни айтган эди.

Мен, жумладан, президент Эйзенхауэр, давлат секретари Даллес ва Америкадаги бошқа мас'ул арбоблар томонидан халқ демократияси мамлакатлари халқларига юборилган ва «рождество мактублари» деб аталган мактубларни назарда тутаман. Бунақа мактублар «Женева рухи»га сра ёпишмайди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг а'золари бўлган эркин ва суверен давлатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашишдан бошқа нарса эмас.

Америка арбоблари ўзларининг «рождество мактубларида», биз шу мамлакатлардаги мавжуд тузум ўзгарсин деб «дуо қиламиз» деган гапларни айтганлар ва бу ишда Америка Қўшма Штатлари «мадад беради» деб ошкора ва'да қилганлар.

Ахир бу келишиш истаги борлигини кўрсатадими, «Женева руҳини» мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилиш борлигини кўрсатадими?

Йўқ, бунақа ҳаракатлар тескари натижа беради, бунақа ҳаракатлар хирсларни қўзғотиб юборади, бинобарин яна зўр бериб қуролланишга, ҳарбий хавфни кучайтиришга олиб келади.

Мен мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида, айниқса Эйзенхауэр жаноблари тўғрисида гапириб ўтишини сра истамас эдим, чунки Эйзенхауэр жаноблариге мен алоҳида ҳурмат блан қарайман. Хрушчев бу масалалар тўғрисида гапириш блан «Женева руҳини» тугатишни хоҳлаяпти дейишлари мумкин, Лекин мен шу масалаларни ўзим кўзготашганим йўқку, «Женева руҳини» бузиб, иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз бўлган халқ демократияси мамлакатларининг ички ишларига ошкора аралашаётган кишиларга жавоб қайтараяпман, холос.

Модомики, гап шу қадар дангал сиёсий тус олаётган «рождество мактублари» тўғрисида борар экан, бу мактубларнинг авторлари кимлигини тушуниб олиш мумкин. Улар жуда йирик фирмаларнинг вакиллари-ку, ахир. Шу группанинг лоақал Гарриман жаноблари сингари кекса бир вакилини олиб кўрайлик. Ма'лумки, унинг кўп миллиондан иборат давлати бор. Бошқаларнинг ҳам капиталлари оз эмас. Уларнинг капитали кўпмиз-оз, буни худо билади, биз буни ҳисоблаб кўрганимиз йўқ, мабодо уларнинг миллионлари Гарриманникидан озроқ бўлса эҳтимол, улар Гарриман мулкига қараганда ўз миллионларини кўпайтиришни хоҳлаётгандирлар. **(Залда жонланиш).**

Демак, уларнинг дарди-фикри одамларнинг жонини қутқариш эмас, балки ўз миллионларини кўпайтиришдир **(залда кулги. Қарсаклар).**

«Рождество мактублари»нинг авторлари халқ демократияси мамлакатларидаги тартибни ўзгартиришни талаб қилганларида улар аслда халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари томонидан шу мамлакатлардан суриб чиқарилган Батя, Радзивиллар, Потоцкийлар, Братианулар ва бошқа катта капиталистлар ҳамда ер эгалари бўлган магнатларнинг қайтиб боришини талаб қиладилар. **(Давомли қарсаклар).** Лекин шу мамлакатларнинг халқларини Батялар, Радзивиллар, Потоцкийлар, Братианулар ва бошқа шуларга ўхшаганлардан иборат деб тушуниш ярамайди.

Асло диний мазмунда бўлмаган «рождество мактублари»ни ёзган америкали авторларнинг халқ демократияси мамлакатларидан ҳайдаб чиқарилган ёки қочиб кетган капиталистлар блан жуда қалин алоқаси бор. Американинг бу арбоблари халқ демократияси мамлакатларидаги янги тартибларни ўзгартиришни исташ блан, шу мамлакатларда капиталистик тартибларни тиклашни, заводлар ва фабрикаларни капиталистларга қайтариб беришни, ерларни катта ер магнатларига қайтариб беришни хоҳлайдилар.

Гарриман жаноблари эса шу мамлакатларга фақат капиталистларнинг қайтиб боришинигина хоҳлаб қолмасдан, шу блан бирга ўзининг ҳам қайтиб боришини хоҳлайди, афтидан у Венгрияда халқ демократияси ҳокимияти ўрнатилмасдан олдин қандай хўжайинлик қилиб келган бўлса, унинг иқтисодиёсида аввалгидек хўжайинлик қилишни истаётган бўлса керак.

Лекин эскиликка қайтиш йўқ. Халқ демократик давлатларнинг меҳнаткашлари ўз мамлакатларидан ҳайдаб чиқарган помещикларга ҳам, капиталистларга ҳам, банкирларга ҳам, катта савдогарларга ҳам, бошқа эксплуататорларга ҳам ҳеч қандай «рождество мактублари» ёрдам бермайди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Биз ўз тажрибамизни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Мамлакатимизнинг халқлари капиталистик тартибларни ағдариб ташлаб, жаҳонда биринчи ишчи-деҳқонлар давлатини барпо қилган вақтларида, эски, капиталистик тартибларни ҳимоя қилувчилар мамлакат ичида ҳам, четэлларда ҳам анчагина бўлган эди, улар Россияда эски, капиталистик тартиблар тиклашини талаб, жуда кўп дуо қилган эдилар.

Милюковлар, Терещенколар, Юзлар, Рябушинскийлар ва йирик капиталнинг бошқа намояндалари учун, капиталистлар ва помещиклар ҳокимиятини қайтариш учун четэлларда жуда зўр бериб дуо қилган эдилар. Хўш, бундан нима чиқди?

Халқаро империализмнинг бизнинг мамлакатимизда капиталистик тартибларни тиклаш йўлидаги ҳамма уринишлари барбод бўлди. Россияда капиталистик тартибларни қурол кучи блан ёки бошқа турли йўллар блан тиклашга урингапларнинг ҳаммасини совет халқи ўзининг синалган йўлбошчиси Коммунистик партия бошчилигида тор-мор келтирди.

Мамлакатимиз халқлари социалистик тараққиёт йўлидан ишонч блан ва қаттиқ қадам ташлаб боравердилар ва жаҳонда биринчи социалистик жамиятни қуриб, бу блан меҳнаткаш инсониятнинг асрлардан бери орзу қилиб келган истагини рўёбга чиқардилар. Улар қудратли социалистик индустрияни барпо қилдилар, бу индустриянинг қай даражада ривожланганлигини лоақал қуйидаги ма'лумотлардан билиб олиш мумкин: 1955 йилда СССРдаги бутун саноат ишлабчиқариши ялпи маҳсулот 1913 йилги даражадан 27 баравар ошиб кетди, ишлаб чиқариш воситаларини ишлабчиқариш эса 60 баравар кўпайди, электр қувати ҳосил қилиш 86 баравардан, машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқариш 160 баравардан зиёдроқ кўпайди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги ўсмоқда ва ривожланмоқда.

Революцияга қадар Россия аҳолисининг 76 процента саводсиз бўлган бўлса, мамлакатимизда иккинчи жаҳон урушига қадар саводсизлик асосан тугатилди.

Бу йил мамлакатимизнинг мактабларида ва техникумларида 35 миллионга яқин ўқувчи ўқитилмоқда. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида 1 миллион 865 минг студент ўқимоқда. Англия, Франция, Италияни ва Ғарбий Европадаги бошқа капиталистик мамлакатларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда ҳам, Совет Иттифоқида мутахассислар уларнинг ҳаммасидагига қараганда анча кўп тайёрланмоқда. **(Қарсаклар).**

Коммунизмнинг энг актив душманларидан бўлган, капиталистик тартибларнинг мамлакатимизда тикланиши учун дуо қилибгина қолмаслан, шу блан бирга Россияда бу тартибларни қурол кучи блан тиклашни истаган Черчилль жаноблари эндиликда, Совет Иттифоқи мутахассислар тайёрлаш жиҳатидан капиталистик мамлакатлардан анча ўзиб кетди деб э'тироф қилганлиги бечиз эмас. Бу нарса Черчилль жаноблариниг жахли чиқарса ҳам, аммо бизни жуда қувонтиради. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мамлакатимиз тараққиётининг ажойиб якунлари халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари учун, бошқа мамлакатларн

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Бу фикрга қўшилмаслиқ мумкин эмас.

Ба'зи буржуа журналистлари бизнинг устимизга бўлмағур айбларни қўйишга ва бизни «Женева руҳини» буздингиз деб айблашга урининб, меннинг гапларимни, бошқа давлат арбобларимиз ва сиёсий арбобларимизнинг гапларини рўкач қилмоқчи бўладилар. Улар, биз ўз нутқларимизда марксизм-ленинизм енгиб чиқади деб айтган гапларимиздан нолимоқдалар. Ахир бу гап «Женева руҳини» бузадими?

Ҳа, биз, икки иқтисодий системанинг тинч мусобақасида энг илғор, прогрессив система бўлган, бирдан-бир тўғри марксизм-ленинизм та'лимотига асосланган социалистик система енгиб чиқади деб гапирганмиз ва гапирамиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Капиталистик дун'ё идеологлари, я'ни бизга қарама-қарши системанинг идеологлари, капитализм енгиб чиқади деб гапирганларида уларнинг бу гапи бизни тааччублантирмайди ва биз бунга норозилик билдирмаймиз. Биз бундай бахслашувни табиий бир нарса деб ҳисоблаймиз, бу баҳсни фақат тарих ҳал қилади.

Правардида социализм, марксизм-ленинизм та'лимоти ғолиб бўлиб чиқади, деган бизнинг ишончимизни ба'зи арбоблар «Женева руҳи»ни бузиш деб ҳисоблайдиган бўлсалар, афтидан бу арбоблар «Женева руҳи»ни нотўғри тушунаётган бўлсалар керак. Улар шу нарсани мияларига қуйиб олишлари керакки, биз ўз идеяларимиздан, коммунизмнинг галабаси учун курашишдан ҳечқачон воз кечган эмасмиз ва воз кечмаймиз. Улар қарқанча кутсалар ҳам, биз идеологик жиҳатдан ҳеч қачон қуролсизланмаймиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Коммунизмнинг оқибат натижада ғалаба қилишига бўлган бизнинг ишончимиз капитализм тарафдорларига ёқмайди, аммо бу нарса бизни тааччублантирмайди, ажаблантирмайди. Лекин биз айтаяпмизки: бу мусобақада, бу курашда биз ҳеч қачон агрессив уруш бошламаймиз, биз зўр бериб қуроллашишга қарши, қуролсизланиш учун, тинчлик ишини мустаҳкамламоқ учун, тинч тотув бўлиб яшаш учун ҳормай-толмай курашаверамиз.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи эмас, балки Женева Кенгашида қатнашган кенгашдошларимиз «Женева руҳи»ни бузаётирлар. Буни фактлар аққол кўрсатиб турипти.

Яна шундай бир мисолга мурожаат қилайлиқ. Женевадаги кенгаш натижалари тўғрисида э'лон қилинган қўшма ахборотдаги

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ!

☆ ☆ ☆

Ранг-баранг ва гўзал газламалар яратамиз

Биз, 1955 йилда «Ташпромторг» ва «Ташунивермаг» магазинларида ўтказилган харидорлар конференцияларида, шунингдек қўшни республикалардаги иста'молчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ишладик. Москва шаҳар фабрикаларидаги илғор рассомларнинг ижодий ишлари блан танишиб, улар блан ҳамкорликда янги-янги гул безакларини яратдик, бу соҳада Москва шаҳрида ташкил этилган тўқимачилик корхоналаринининг рассомлари томонидан яратилган газмолларга босиладиган гуллар виставкасини бориб кўрганимиз жуда катта ёрдам берди. Виставкада бизнинг комбинатда ишланган гулли газмоллар ҳам катта муваффақият қозонди. Бу тадбирлар комбинат рассомлари коллективининг ижодий ҳамкорлигини янада оширди.

Комбинат рассомлар мастерскойи 1955 йилда белгиланган планни 150 процентга етказиб бажарди. Ишланган гулларнинг 20 проценти а'ло сифатга қабул қилинди. Мастерской рассомларидан Л. Масленникова ҳарбир ишга ижодий ёндошишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. У ўзига берилган топшириқни 200 процентга етказиб бажараётир. Ў ишлаган гулларнинг 25 проценти комбинат рассомлар совети томонидан а'ло баҳога қабул қилинди. Рассомларимиздан Е. Лугачев, М. Арслонов ўртоқлар ҳам 1955 йилда жуда катта ижодий иш қилиб, халқимизга янги-янги гулли газмолларни тақдим қилдилар. Булар яқин вақт ичида шаҳар ва район магазинларида аҳолига сотилади.

Бизнинг ижодий коллективимиз халқимизнинг дидига мос келадиган чиройли гулли газмоллар ишлаб чиқаришда 1955 йилда эришилган муваффақиятни янада мустаҳкамлаб, 1956 йилни катта ижодий тадбирлар блан кутиб олмоқда. Биз, рассомлар янги йилда халқимизнинг талабига мувофиқ хилма-хил гулли газмолларни бу йилгига қараганда янада кўпроқ ишлаб чиқариш учун курашамиз.

С. ЧЕХОВСКАЯ,

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати рассомлар мастерскойининг мудири.

Мамлакатга тобора кўп пахта берамиз

Колхозимиз а'золари ҳамавақт янги йилни меҳнат соҳасида, маданият соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар блан кутиб олишга одатланганлар. Бу йил ҳам биз янги йилни пахта, сабзавот экинлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планини ошириб бажариш блан кутиб олдик. 1170 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,8 центнердан пахта топширилди, 260 бош сигирнинг ҳарбиридан 1650 литрдан сут соғиб олинди. Шунга яраша даромадимиз ҳам катта бўлди. Пахтачиликдан 17 миллион, чорвачиликдан 1,5 миллион, колхоздаги бошқа хўжалик тармоқларидан 1,5 миллион, ҳаммаси бўлиб 20 миллион сўм даромад қилдик. Бу йил колхозчилар ҳар бир меҳнат кунларига қарийб 20 сўмдан пул, 3 килограммдан галла олдилар.

1955 йилда қишлоғимизнинг маданий қиёфаси анча ўзгарди. Шу йили ёнида меҳмонхонаси бўлган ҳаммом биноси қуриб битказилди. 12 километрли водопровод ишга туширилди. Ҳозир қишлоғимиздаги 600 дан ортиқ ҳонадон водопроводдан фойдаланмоқда. Колхоз правлениеси 35 қути пилла қурти учун қуртхона қуриб битказди.

Жонажон партиямиз ва севикли ҳукуматимиз биз, пахтакорларга ҳамавақт меҳрибонлик қилмоқдалар. Колхозчиларимизнинг кўпида енгил автомашина, қимматбаҳо уй-рўзғор асбоблари бор. Колхознинг ўзи ҳаммаси бўлиб 27 та автомашинага эга.

Биз хўжалигимизни тобора мустаҳкамлаб, мамлакатимизга йил сайин кўпроқ пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашамиз.

А. МАТҚОБУЛОВ,

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси.

ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

☆

Бугун боқчага келаётган болаларнинг ҳис-ҳаяжони, юзларидаги чексиз ҳурсандчилик ҳарқачонгидан бошқача эди. Ҳақиқатан ҳам бугун одатдаги кунлардан эмас, улар янги йил арчиси—арча байрамини ўтказадилар.

Мана кенг ва ёруғ катта зал... Ўртада шипга қадар бўй чўзган арча қад кўтариб турипти. У ҳархил ранг-баранг ўйинчоқлар блан чиройли қилиб безатилган.

Буерга боқчада тарбияланучи юздан ортиқ боланинг ҳаммаси келишди. Кўпчилик яркатойларнинг отаонаси ҳам шу ерда.

Арча байрами бошланди...

Шаҳарнинг Марказий районидаги 1/36-нчи болалар боқчасида янги йил арча байрамининг биринчи куни жуда кўнгилли ва қизиқарли ўтди.

Суратда: боқчада арча байрами.
В. Салов фотоси.

☆

Ҳамид ҒУЛОМ

ТИЛАКЛАР

Ҳарким ҳархил сезади ўзин,
Янги йилнинг туни—шундай пайт...
Сен-чи?
Менга тикиб жуфт кўзинг,
Аста дединг: бирориима айт!
Нима деяй?
Дил шодлигини
Тил сўз блан айтаоларми?
Оиламиз ободлигини
Ифодалаш учун сўз борми?
Бахтим чексиз,
орзум ҳам талай,
Айтиш қийин фақат сўз блан.
Кел, яхшиси, термулақолай
Юрагимни очиб кўз блан!
Кел, яхшиси,
қўшўрим, узун
Сочларингни силаб қўяйин;
Кел, яхшиси, жонгинам, шу тун
Жамолингга яна тўяйин.
Ёнимизда қизлар, ўғиллар:
«Янги келин-куёв!»—деб кулсин.
Майли!
Тилак тилайлик, улар
Худди биздек бахтиёр бўлсин.
Худди биздек,
соч оқарса ҳам,
Кўнгиллари доим ёш бўлсин;
Ўзаро дўст,
иттифоқ,
ҳамдам;
Онлага биздек бош бўлсин.
Худди биздек,
нурли истиқбол —
Асосига ғишт қўяолсин.
Бир-бирига беролсин иқбол,
Биздек севсин ва тўяолсин.
Машаққатни енгиб, биз каби —
Катта йўлдан борсинлар дадил.
Яна нима деяйин?
Қалбим —
Қаршисида жуда ожиз тил...
Бахтим чексиз,
Орзум ҳам талай,
Айтиш қийин фақат сўз блан.
Кел, яхшиси, термулақолай,
Юрагимни очиб кўз блан!

Москва.

Янги йил меҳмонлари

«Тез ёрдам» машинаси туғруқхонанинг баланд зинапояси олдида «ду-дут»лаб тўхтади. Бу товушни эшитган туғруқхона навбатчи врачи блан ҳамшира дарҳол под'ездда ҳозир бўлдилар. Машинадан тушган ёшгина ҳомиладор жувонни иккита оқ халатли ҳамшира қўлтиқлагачи қабулхона томон олиб борди.

— Марҳамат, мана сизларга яна битта янги меҳмон, — деди, улар.

— Жуда соз! Қани ичкарига, — деб таклиф қилди туғруқхона врачи. Улар қабулхонага киришди.

Ҳомиладор жувон оппоқ чойшабдан жилд кийгизилган юмшоқ диванга ўтирар экан, теварак атрофга бир кўз югуртириб чиқди. Хона жуда ҳам озода, поллари ёғ тушса ялагундек, ярақлайди-я. Унинг туғруқхонага биринчи марта келиши эди. Боятдан бери қийнаб турган оғриқлар ҳам унинг назарида босилгандай бўлди. Унинг ёнига оқ халат кийган, ўрта ёшлардаги аёл — врач Вера Константиновна келиб ўтирди. Врачнинг ҳарбир ҳаракатида, қарашида оналарга хос меҳрибонлик сезилиб турарди. У ҳомиладор жувонни кўратуриб:

— Исми, фамилиянгиз?, — деб суради.

— Зумрад Қосимова, — жавоб берди жувон.

— Яхши, — деди врач Зумраднинг елкасига қўлини қўйиб, — ташвишланманг, азизим! Ҳали замон она бўлиб қолганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Зумрад енгил бир хўрсиниб олди-да, врачнинг рибон кўзига қувонч блан қаради. Унинг кўзига бу аёл шу пайтда бирам яхши кўриниб кетдики, ҳатто уни қучоқлаб олгуси келди. Шу пайт ҳамшира Татьяна Зумрадга кийим олиб келди ва уни кийинтириб бўлгач, иккинчи қаватдаги махсус хонага олиб чиқди.

Зумрадни бу ерда акушерка Пўлатой Маликова қарши олди. Пўлатой ҳозиргина янги туғилган гўдакни қабул қилиб олган эди. У бугунги навбатчиликни алоҳида муҳаббат блан бажараяпти. Чунки бугун янги йил кириш куни. У бугун гўдакларнинг биринчисини қабул қилган бўлса ҳам чарчаганини сезмайди. Тунги соат 11 бўлишига қарамай, бу ерда ҳаёт қайнайди. Ҳамма ҳаракатда. Ичкаридаги қойкада иккита аёл ётипти, Пўлатой учинчисига Зумрадни таклиф қилди. Орадан кўп ўтмай «ингга-ингга»лаган товуш эшитилди.

— Вой азаматей, ўғилку, ўғилча, полвон йигит экан. Хуш келибсиз, азиз меҳмонча, — дея гўдакни ювиб тозаламоқда эдилар. Медицина ҳамшираси келиб аввалдан тайёрлаб қўйилган кичкина оқ клиёнка бўлагига «Қосимов, 1 январь 1956 йил соат 00,оғирлиги 4 килограмм» деб ёзди ва уни боланинг билагига, оёғига бинт блан бойлаб қўйди. Болани оппоқ чойшабча, иссиқ одеялчаларга ўраб, онасига кўрсатишди.

— Мана, Зумрадхон ёнди ўғилча мубарак бўлсин, энди ҳар йили янги йилни ўғилчангиз туғилган кун блан бирга байрам қиладиган бўлдингизлар, — деди Пўлатой. Зумрадни 6-нчи палатага ётқизишди. Одат бўйича ҳар уч соатда чақалоқларни эмизишга олиб келишарди. Бу — тунги соат 12 даги эмиздириш эди. Болалар иштаҳа блан қоринчаларини дўйғизмоқда эдилар. Оналар эса болаларини меҳр тўла кўкисларига босиб эркалатарди:

— Янги йилинг қутлуғ бўлсин кўзиғоғим! Янги йилда янги меҳмончам! — каби теварақдан эшитилган қувончли сўзлар дилларга шодлик бағишларди. Радиодан янги йил байрамига бағишлаб эшитдирилаётган концерт ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди.

Болалар хонасидаги навбатчи ҳамшира Таня Фролина янги меҳмонларни кичкина кроватьчаларга ётқизар экан, уларга завқ блан қараб:

— Менинг янги йилга тортиғим, — дея мағрурланиб кулиб қўйди.

Ф. УСМОНОВА,

Тошкент шаҳар 1-нчи туғруқхона.

☆ ☆ ☆

Бизнинг ҳиссамиз

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг илмий ходимлари 1955 йилда республикамиз халқ хўжалигини, унинг асосий тормоғи — пахтачиликни ривожлантириш блан боғлиқ бўлган илмий проблемаларни ҳал этишда ба'зи қимматли илмий-текшириш ишларини олиб бордилар. Институтнинг табиий полимерлар лабораторияси пахта толаси устида олиб бораётган илмий-текшириш ишларини давом этдириб, пахта ҳосили ва унинг очилиш муддатини аниқлаш ҳамда толанинг физикавий-химиявий ҳоссаларини ўрганиш соҳасида ижобий натижаларга эришдилар.

Нишонли атомлар ёрдами блан пахта толасида юз бераётган биохимия процессларини биринчи бўлиб Ўзбекистон олимлари аниқладилар. Мен ўз шогирдим химия фанлари кандидати Ўртоқ Тиллаев блан биргаликда ғўзанинг ўсиш даврида пахта толасининг тўлишиши ва ҳосил тўплашини тезлатиш масалалари блан шуғулланмоқдамиз. Биз хроматография ва нишонли атомлар ёрдамида пахта толасида бирқанча кислоталар, углеводлар ва бошқа моддалар борлигини ҳамда уларнинг миқдорини аниқладик. Бу эса толанинг тараққиёт процессларини чуқурроқ ўрганишга, ҳосилни ошириш ва пахтани тезроқ очилтиришга ёрдам беради.

Институт ма'мурияти 1956 йилда олиб бориладиган илмий-текшириш ишларини планлаштирди. Шунга мувофиқ биз пахта толасининг пухталиги унинг намлигига қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлаш устида 1955 йилда олиб борган текшириш ишларимизни давом этдирамиз.

Чигит момиғининг кўп қисми ҳозиргача исроф бўлар ва ундан рационал фойдаланилмас эди. Аспирант Ўртоқ Ғафуров чигит момиғини олишдаги янги химиявий усул устида иш олиб бормоқда. Бу усул чигитни момиқдан тозалаш имконини беради. Чигитдан олинган момиқ эса химия саноатида фойдаланилади. 1956 йилда бу метод Фарғона гидролиз заводида синаб кўрилади.

Бу йил ғўза баргини тушириш муддатини аниқлаш устида ҳам муҳим иш олиб борилади ва «Пахта толасининг химияси» деган темадаги дун'ёда биринчи монографик асар ёзиб тугатилади.

Х. УСМОНОВ,

химия фанлари доктори, профессор.

МТС—ҳал қилучи куч бўлиб қолди



1955 йил МТСимиз зонасидаги колхозлар ҳаётида алоҳида йил бўлди. Шу йилдан бошлаб биз чигитни янги, прогрессив усулда экишга ўтдик. Катта-катта майдонларда ғўзалар ҳам узунасига, ҳам кўндалангига қараб ишланди. Натижада МТСимиз зонасидаги 9 та колхознинг ҳаммаси йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди.

МТСимиз янги, 1956 йилни барча ерларни юқори сифатли шудгор қилиб қўйган ҳолда кутиб олмоқда. Биз хизмат қиладиган колхозлар даласи кўклам чигит экишига ҳозирдан бошлабоқ тахт қилиб қўйилди.

1955 йилда квадрат-уялаб чигит эккан ва ғўзани янги усулда парвариш қилган бирқанча бригада ва звеноларнинг планда белгиланганидан анча кўп ҳосил етиштирдилар. «Полярная звезда» колхозининг Ким София, «XIX партс'езд» колхозининг Улуғжон Эргашева ўртоқлар бошлиқ звено а'золари йиллик планларини 120—130 процентга етказиб ало этдилар. Шу, ўтган 1955 йилда илғор механизаторларимиз айниқса намуна кўрсатиб ишладилар. Ўртоқ С. Тин механик бўлган трактор бригадаси «Полярная звезда» колхозида ишлаб 328 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштиришни та'минлади.

МТСимиз коллективи 1955 йилда эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, 1956 йилда ҳам зўр ғайрат ва фидокорлик блан меҳнат қилади.

С. ЁДГОРОВ,

Ўртасарой районидаги 1-нчи МТСнинг директори.

Миллионлар ишончи

Улуғ совет халқи янги йилни кутиб олаётир. У катта қувонч блан яшамоқда. Бу катта қувонч ҳаммаерда — одамларнинг юриш-туришларида, ранг-баранг безаклар тақилган арчалар атрофига тўпланган бахтиёр болаларнинг юз-кўзларида барқ уриб турипти. Кишиларимизнинг қалбларида, юз ва кўзларида қувонч блан бирга буюк ишонч ҳам порлайди. Эртаги кунимизга, келажагимизга бўлган ишончимиз қувончимизни янада ошираси, мустаҳкамлайди. Қувонч бизга меҳмон эмас, балки доимий йўлдошдир. Биз уни ўзимизники қилиб олганмиз. Бугун нималар қилаётганимиз, қандай яшаётганлигимизни кўриб-билиб турганимиздек, эртага ва ундан кейин нималар қилишимиз, қандай яшашимизни ҳам кўриб-билиб турибмиз. Бизнинг қувончимиз ҳам, ишончимиз ҳам зўр.

Ўзини шон-шарафлар блан қоплагал халқимиз янги катта ғалабаларга комил ишонч блан бораётир. У янги — 1956 йил тонгида ўтган йилдаги ғалабаларига якун ясаб. янгилари учун қадаҳ кўтаради. Кўпмиллатли социалистик Ватанимизнинг барча халқлари 1956 йил бўсағасида 1955 йилда ўзлари босиб ўтган йўлга — катта ғалабалар блан тўлиб-тошган шонли йўлга фахр блан назар ташлайдилар.

1955 йил — бешинчи бешйилликнинг якунловчи йили, катта ғалабалар, унутилмас воқиалар йили бўлди. Бу йилда мамлакатимиз янада бойиди, Совет социалистик давлатимиз янада мустаҳкамланди, унинг халқаро обрўси ғоят даражада ошди. Дун'ёда биринчи социалистик давлатни барпо қилган қаҳрамон совет халқи ҳамиша бўлганидек, 1955 йилда ҳам ғоят юксак меҳнат намуналарини кўрсатди. У ҳозирги кунларда ҳарқачонгидан ҳам зўр фидокорлик ва ғайрат блан меҳнат қилмоқда, мамлакатимизда коммунизмнинг тантана қилишини тобора яқинлаштирмоқда. Коммунизм биз учун узоқ истиқбол бўлмай, балки миллион-миллион кишиларнинг жонли, конкрет иши ва онгли ижодкорлигининг самараси эканлигини совет халқи яхши билади. У бешинчи бешйилликнинг планларини муваффақият блан бажариб, коммунизмни янада яқинлаштирди. Улуғ халқнинг иродаси ҳам улуғдир. У қандай ишни планлаштирган бўлса, ўша ишни амалга оширипи муқаррардир. Ўтган йил тонгида туриб, ниманики планлаштирган, нимани орзу қилган бўлсак, шуни ҳақиқатга айлантирдик. Бизнинг орзумиз ҳаёл бўлмай, реаль ҳақиқатдир. Бу йил тонгида туриб ҳам, нимани орзу қилсак ва нимани планлаштирсак, шуни албатта рўёбга чиқарамиз.

Бу йил Горький, Каховка гидроэлектростанциялари ишга тушиб, улар халқимизга хизмат қилабошлади. Дун'ёда энг йирик гидроэлектростанция бўлган Куйбишев ГЭСининг биринчи агрегати ҳам ишга тушди, иккинчи агрегати эса ишга тушиш олдида турипти.

Саноат ишлабчиқаришининг умумий ҳажми бўйича белгиланган бешйиллик план 4 йилу 4 ойда бажарилди. Бу йил ба'зи районларда қурғоқчилик бўлишига қарамай, мамлакатимизда ҳарқачонгидан кўра кўпроқ ғалла етиштирилди. Украинанинг шонли ғаллакорлари ўзларини сўнмас шон ва шуҳрат блан қоплидилар. Улар давлатга пландан ташқари 150 миллион пуд ғалла етиштириб бердилар.

1955 йил Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаётида ҳам ғоят катта муваффақиятлар йили бўлди. Бу йил пахта етиштиришнинг янги усулларига ўтишда кескин бурилиш қилинди. Республикамизнинг ҳарбир район, ҳарбир колхоз, совхоз ва ҳарбир пахта бригадасида янги агротехника амалда жиддий синаб кўрилди. Янги агротехника катта самаралар берди. Кенг майдонларда ғўза парваришини прогрессив усуллар блан олиб борган областимизнинг Оржоникидзе райони бу йил 5738 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 33 центнердан ҳосил топширди. Шу районнинг «Қизил Ўзбекистон» колхози 1170 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36,8 центнердан пахта топширди.

Олам календарида ўтиб бораётган ҳарбир йил, ҳарбир кун ва ҳарбир дақиқа воқиаларга шунчалик бой ва сермазмунки, шу қисқа муддатларда қанча-қанча янги нарсалар яратилади, барпо бўлади, воғага етади, ривож топади.

Ўтган 1955 йил ҳам худди шундай сермазмун ҳамда воқиаларга бой йил бўлди. 1955 йил халқаро кескинликни юмшатишга, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга олиб келган воқиалар блан ишончлидир. Бу йил тарихга киради. 1955 йилда улуғ Совет мамлакатимизининг халқаро ҳаволи янада мустаҳкамланди, обрўси беқиёс даражада ортди. Бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ҳавфсизлигини та'миналш соҳасида Совет Иттифоқи амалга оширган тадбирлар унга жаҳон меҳнаткашларининг меҳр-муҳаббатини бениҳоя даражада ошириди.

Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин ўртоқларнинг Ҳиндистон, Бирма, Афғонистонга қилган сафари 1955 йилда бўлган энг ёркин ва энг буюк воқиаларнинг бири, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва тинчлик сиёсатининг тантанаси бўлди. Бу сафар вақтида ҳинд, бирма ва афғон халқларининг улуғ Совет Иттифоқига бўлган катта ҳурмати, меҳр-муҳаббати шу халқлар томонидан яна бир марта намойиш қилинди. Жаҳондаги барча халқларнинг улуғ дўсти бўлган совет халқи дўстликни яхши кўради, уни ғоят даражада қадрлайди. Совет халқи «Халқлар ўртасида ҳамиша биродарлик ва дўстлик бўлсин» дейди. Совет халқи, ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, ҳаво очиқ бўлиб, қуёш меҳр блан нур сочган пайтдагина халқларнинг дўсти бўлиб қолмасдан, балки ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам чинакам дўстдир, у бу халқларга ёрдам бериш учун ҳамавақт тайёрдир. Совет кишиси ҳамавақт биродарлик учун курашиб келди, ҳозир ҳам шундай қилмоқда, бундан кейин ҳам шундай қилади.

Тинчлик лагери ҳозир ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам ва қудратлидир. Бутун дун'ёдаги оналар ўз ғўдакларини уйқуга ётқизар эканлар, уларни аллалаб: «Тинчгина ухлагин болам, тинчгина ухлайвер болагинам, дун'ёда империалистларнинг бомбаларига қарши миллион-миллион тинчликсевар кишилар бор. Бу кишилар сенинг ҳаётингга ҳавф солучи ҳарқандай даҳшатни даф' этадилар», дейдилар.

Биз, совет кишилари, улуғ доҳимиз В. И. Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, ижтимоий-сиёсий тузуми турли хил бўлган барча мамлакатлар блан тинч-тотув яшаш сиёсатини изчиллик блан ва оғишмай амалга ошириб келмоқдамиз. Бу бутун дун'ё меҳнаткашларининг манфаатларига мос келади. Биз ҳечкимга, ҳечқайси халққа ўз идеяларимизни зўрлаб киритмаймиз, қайси идеяни танлаб олиш ҳарбир халқнинг ўз ишидир. Аммо биз, совет кишилари, ўз идеяларимиз ва ўз тузумимизнинг ҳаётийлигига қаттиқ ишонамиз, тинч ижодий меҳнатимиз катта му'жизалар яратганлигини биламиз ва унинг бундан кейин янада зўрроқ му'жизалар яратаолишига ишончимиз ғоят зўр. Биз ўз дун'ёқарашимиз ва идеяларимизнинг ҳақконийлигини куч ишлатиш йўли блан исбот қилишни истамаймиз. Буни кун сайин яшнаб бораётган ҳаётимиз, ўсиб бораётган куч-қудратимиз, кўпайиб бораётган бойлигимиз, юксалиб бораётган онгимиз исбот қилиб кўрсатмоқда. Биз ўз тузумимизнинг, ўз экономикамизнинг афзаллигини бомбалар, урушлар ёрдами блан исбот қилишни истамаймиз. Буни империалистлар истайдилар. Имериалистлар ҳал этилмаган масалаларни куч ишлатиш йўли блан ҳал қилишни истайдилар, тинч мусобақа қилишни истамайдилар. Биз эса ҳамма давлатларга: «Дўст бўлиб яшайлик, жанжаллашмайлик», деймиз.

Қайси система ҳаётий эканлигини келажак ҳал қилади, ҳаёт тасдиқлаб кўрсатади. Биз, совет кишилари эса, ўз социалистик системамизнинг афзал эканлигига, икки системанинг тинч мусобақасида социализмнинг енгиб чиқишига қаттиқ ишонганмиз. Бунга фақат бизгина эмас, бизнинг ютуқларимизни кўриб турган жаҳондаги бошқа халқлар ҳам тобора кўпроқ ишонмоқдалар. Кўп мамлакатларда ички қураш бормоқда ва бу мамлакатларнинг халқлари бундан кейин тараққиётни қайси йўлдан олиб бориш масаласини ўзлари ҳал қилмоқдалар.

Социалистик тузум туфайли бизнинг мамлакатимиз қисқа муддат ичида қолоқ, ярим феодал мамлакатдан қудратли индустриялашган-колхозлашган давлатга, халқнинг маданий даражаси ва сиёсий онги юксак даражада ўсган қудратли давлатга айланди.

Бизнинг улуғ Ватанимизга — ишчи ва деҳқонларнинг биринчи социалистик давлатига ер юзидаги барча меҳнаткашлар буюк меҳр-муҳаббат блан қарамоқдалар, уни орзу қилмоқдалар. Ватанимиз инсоният асрлардан буён орзу қилган адолат ва тинчлик, ма'рифат ва маданият дун'ёсининг маркази бўлиб қолди. Янги дун'ё ўзини бизнинг улуғ Ватанимиз — Совет Иттифоқисиз ҳис қилмайди. У биз блан бирга нафас олаётир. Совет Иттифоқи янги дун'ёнинг ирғаси, виждони, байроқдоридир. Янги дун'ё одамлари янгича яшаш, янгича характер, янгича инсоний фазилатларни биздан ўрганмоқдалар. Совет Иттифоқининг юксак маданиятли мамлакат эканлигини дун'ёдаги прогрессив кишилар, фанларнинг ва сан'ат арбоблари бутун оламга қайта-қайта такрорлаб та'кидламоқдалар. Француз ёзучиси Ромэн Роллан Совет халқига мурожаат қилиб: «Сизлар бутун инсониятни ўзларингизга эргаштириб олиб бормоқдасиз», деган эди. Европа ва Америка мамлакатларида саёҳат қилган йирик ҳинд хирурги доктор Балига СССРда меҳмон бўлиб, совет халқининг маданияти блан танишар экан: «Мен ўз мамлакатига тинчлик ва ободонлик блан бир қаторда шон ва шуҳрат ҳам келтирган Россиянинг фан ва сан'ат кишиларига та'зим қиламан», деди.

Озод ишчи ва деҳқонларнинг биринчи социалистик Ватани—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ма'рифат ва ҳақиқат маш'али бўлиб қолди. Барча меҳнаткашларнинг порлоқ орзулари, истак ва тилаклари улуғ Совет Иттифоқига қаратилган. Совет Иттифоқи ҳақида бутун дун'ё халқларининг тилларида ажойиб қўшиқлар тўқилиб куйланмоқда. Янги йил тонгида миллион-миллион меҳнаткашлар улуғ Совет Иттифоқига оташин салом йўллайдилар.

Бутун прогрессив инсониятнинг, янги дун'ёнинг, миллион-миллион оддий кишиларнинг ишонч ва э'тиқоди ана шундай.

Бу ишонч ва э'тиқод шу қадар зўрки ва шу қадар қудратлики, у ўз йўлидаги ҳар қандай ғовларни ва империалистларнинг ҳарқандай найрангларини парча-парча қилиб супириб ташлайди.

Йўлдош МУҚИМОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I эрталаб соат 11 да янги спектакль **Сўнгги пушаймон**, кундуз соат 3 да ва кеч 8 да **Оғриқ тишлар**, 2/I кундуз соат 12 да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Оққуш қўли**, 2/I кундуз соат 12 да **Катта байрам концерти**, кеч соат 8 да **Катта байрам концерти**. Ўзбекистон ССР халқ артисти Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Борухова**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ма'муржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I да кундуз ва кечқурун 2 бўлимда **Катта концертлар**. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Маҳмуджон **Ғафуров, Шаҳодат Раҳимова, Турсунхон Жа'фарова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади. Билетлар сотилмоқда. 2/I да кундуз **Нурхон**, кечқурун **Азиз ва Санам**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 1/I да **Байрам концерти**. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ғулом Абдурахмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади. Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1/Iдан 10/I гача **Болалар учун катта янги йил концертлари**. Концертлар кундуз соат 12 да ва 4 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Литва цирк коллективининг гастроллари**. 1/I дан 10/I гача **Янги йил арчаси — «Сиҳрли календарь»**. Кундузги тамошалар соат 1 ва 4 да, кечки тамошалар — соат 8 да бошланади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Матрос Чижик**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Ўрмонда тутун**.

Р. 00002. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. №А — 1341.